*ТОҲИР МАЛИК*

# *ОДАМИЙЛИК МУЛКИ*

*(Ахлоқ китоби)*

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2014

УЎК 821
КБК. 84(5Ў)
М 21

Масъул муҳаррир
**Муҳаммад Шариф Жуман**

Нашриёт муҳаррири
**Аҳрор Аҳмедов**

М 21 **Малик, Тоҳир.**
«Одамийлик мулки» — «Ҳусну хулқ» (Ахлоқ китоби). — Т.: «Sharq», 2014. — 936 б.

ISBN 978-9943-26-043-6

Ёзувчи Тоҳир Малик қаламига мансуб маънавият ва тарбия масалаларига бағишланган «Одамийлик мулки» (Ахлоқ китоби) — рисоласининг «Ишқ» деб номланган биринчи ва «Бахт» деб номланган иккинчи фасли адиб танланган асарларининг олтинчи жилдидан, учинчи фасли — «Саодат» эса тўққизинчи жилдидан (Ҳусну хулқ) жой олган эди. Муҳтарам китобхонларнинг истак ва таклифлари инобатга олиниб, рисола адибнинг айрим тузатиш ва таҳрирларидан сўнг тўлиқ ҳолда бир муқовага жамланди. Мазкур китоб маънавият қуёшидан ёришиб турган қутлуғ хонадонингиз учун бир тухфа бўлар, деган умиддамиз.

**УЎК 821**
**КБК. 84(5Ў)**

**ISBN 978-9943-26-043-6**

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2012, 2013, 2014.

*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.*
*«Дарҳақиқат биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик ва уларни барру баҳрда — қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик ва уларни Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал — устун қилиб қўйдик».*

***(Ал-Исро сурасидан)***

# *Биринчи фасл*

# *ИШҚ*

*«Ишқ — порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зиёси шундан. Ишқ — товланиб турувчи гавҳардир — инсоният тожининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ — толеъ қуёшидир, қайғули диллар тиканзори ундан гулшан. Ишқ — балқиб турган тўлин ойдир, қоронғи кўнгиллар кечаси ундан равшан. Ишқ — кенг денгиздир, ҳар тўлқини юз ақлу ҳуш кемасини ғарқ қилади. У баланд тоғдир, ҳар чўққисининг ўткир қирраси минг зуҳд-тақво эгасининг бошини учиради. Ишқ — куйдирувчи шуъладир, кўпгина жон ва кўнгилларни хашакдек ёқади. Ишқ — алангали чақмоқдир, кўпгина жону дилларни ёлқини билан кул қилади. Ишқ — аждаҳодир, оламни дамига тортмоқ унинг тилаги. Ишқ — қаҳрли подшоҳдир, олам аҳлини ёппасига қирмоқ унинг мақсади, у ҳар қанча қон тўккани билан зерикмайди, у ҳар қанча одамни қон қилса ҳам қониқмайди. Ишқ — яшиндир, ақлу дин хирмонини куйдиради, у бўрондир, куйганларнинг кулини кўкка совуради. Ишқ — шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг, у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир... Дунё бозорининг ғавғоси ва дунёда бор ҳамма нарсаларнинг савдохонасидаги шовқин-сурони — ишқ туфайлидир...»*

**Алишер Навоий**

## *ГУЛИСТОН ИСТА, ЭЙ КЎНГИЛ*

*Муқаддима ўрнидаги бу дастлабки боб мазкур китобга тартиб бериш сабаблари ва мақсадлари баёнидан иборатдир.*

Ассалому алайкум, азизларим.

Сизлару бизларни гўзал суратда яратган ва чексиз неъматларга буркаган раббимиз Аллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтамиз. Буюк Парвардигорнинг иродаси ила улкан вазифаларни елкаларида кўтарган ва сизу бизга ҳидоят йўлини кўрсатган суюкли пайғамбаримиз Муҳаммадга саловат ва саломлар йўллаймиз. Аллоҳнинг инояти ва марҳамати ила кўп йиллик ниятимизни амалга оширмоққа киришяпмизким, бу ишимизни ҳам Яратганнинг ўзи хайрли қилғай. Шу пайтга қадар бадиий ижодда яхшими-ёмонми машқлар қилиб, ўзимизни синаб кўрдик. Сўнг одоб бобида биродарларимизга нафи тегар, деган умид билан «Меҳмон туйғулар» номида бир китобчага тартиб бердик. Сўнг уни тўлдириб, «Имонлашиш умиди» деган номда эътиборларингизга ҳавола этдик. Кейин эса фарзандлар тарбиясида фойдали бўлиб қолар, деган мақсадда бир рисола ёзиб унга «Жиноятнинг узун йўли» деб ном бердик. Бу йўналишдаги уринишларимизни энди мазкур одоб рисоласи ниҳоясига етказар, инша Аллоҳ!

Маълумингизким, ўтмишда ўтган устозларимизнинг аксари бадиий асарлар ёзиш билан бирга ахлоққа доир рисолалар ҳам битганлар. Агар зийраклик билан кузатсак, ўтмиш адабиётимизнинг асосини одоб масалалари банд этган. «Адабиёт» — «одоблар тўплами» маъносини англатиши ҳам шундандир. Бадиий асар қайси тарзда, қайси йўналишда ёзилмасин, одамларни тарбия қилишга, яъни яхшилик сари бошлаб, ёмонликдан қайтаришга хизмат этиши шарт. Тарихда бундай китобларнинг ҳисоби йўқ. Шуларнинг айримларини ўқиш жараёнида каминада ундаги ҳикматлар билан биродарларни таништириш майли уйғонди. Раҳматли тоғам, улуғ адиб Мирзакалон Исмоилий ахлоқ масалаларига доир бир қанча рисолалар ёзган эдилар. Шулардан бири — «Қизлар дафтарига» китобини ёзгач, мухлислардан кўп мактублар олдилар ва унинг давоми сифатида «Буниси сизларга, йигитлар» деган ахлоқ китобини ёзишни ният қилган эдилар. Аммо бу ният амалга ошмай, армон бўлиб қолди. Шу ном остида бир китоб ёзмоқликни кўп ўйладим. Ҳамкасбларим орасида ҳам бу ишга даъват этганлар бўлди. Узоқ йиллар давомида тайёргарлик кўрган бўлсам-да, ёзишни бошлашга журъат эта олмадим. Вақти-соати етибди, шекилли ахлоқ мавзуига доир тўплаган маълумотларимни қарасам, етмишдан зиёд дафтарга жо бўлибди. Аллоҳга таваккул қилиб ишни бошладим. Умид улки, ёзилажак сатрлар амри маъруф ва наҳйи мункар вазифаларини адо эта олса. Аллоҳ кўпнинг қаторида каминани ҳам адаштирмасин.

Бир узрим борки, муҳтарам китобхонлар бу битикни ўқиш жараёнида «менга ақл ўргатяптими?» деган мулоҳазага бориб, ғашланмасалар. Каминага маълумки, китобхонлар орасида мендан-да ақллироқ, ҳикматларни мендан-да кўпроқ билувчи, мендан-да аълороқ даражадаги илм эгалари мавжуд. Яна маълумингиз бўлсинким, каминанинг олимликка даъвоси йўқдир. Ниятим — китобхонлар билан фикрлашиш. Фикрларим орасида эҳтимол сизларга номақбуллари учрар, у ҳолда маъзур тутгайсиз. Эҳтимол адашган, янглишган ҳолатлар ҳам бўлар, у ҳолда тавбалар қилиб, раҳмли ва раҳмон сифатли Аллоҳнинг лутфу марҳаматларидан умидвордирман.

Ўтмиш адабиётидаги устозлар бу мавзуда ёзганларида «Эй фарзанд!» ёки «Эй ўғил!» деган мурожаат билан бошлаганлар. Ёки «фарзандга мактублар» услубидан фойдаланганлар. Мен ўз кўнглимга даъват услубини қўллашни маъқул кўрдим. Чунки ҳар бир одам биринчи галда ўз-ўзини тарбия қилиши керак, деб ўйлайман. Ҳар биримиз ўз-ўзимизни, хусусан, кўнглимизни идора қила билмоғимиз лозим. Ҳазрат Алишер Навоий таъбирлари билан айтилса, кўнгил — бадан мулкининг подшоҳидир. Кўнгилнинг саломатлиги — баданнинг ҳам саломатлиги, унинг нотоблиги — бунинг ҳам нотоблигидир.

Донолар демишларким: «Сен ўзингни кўрмоқ истайсанми? У ҳолда кўзгудаги ташқи қиёфангга эмас, ичингдаги кўзгуга боқ.» Биз эса... кунда неча бор кўзгуга қараймиз. Қалбимизга-чи?

Аллоҳ таборак ва таоло марҳамат қилади: *«Аниқки, Биз жин ва инсдан кўпларини жаҳаннам учун яратганмиз. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорва кабидурлар, йўқ, улар (беақл ва бефаҳмликда) чорвалардан ҳам бадтардирлар. Ана ўшалар ғафлатда қолган кимсалардир.»* (Мазкур рисоламизда Қуръони каримнинг сўзма-сўз эмас, балки маъносининг таржимасидан фойдаланамиз. Ҳар сафар «маъно таржимаси», деб таъкидламай, «Аъроф сурасидан» қабилида изоҳ бериш билан чекланамиз.) Аллоҳ субҳонаҳу таолонинг бу сўзлари биз бандаларни энг муҳим ишдан огоҳ этади. Яъниким, мусулмон киши қалбига эътибор бермоғи, қалбини кузатмоғи, қалбини ўнгламоғи ва турли маразлардан сақламоғи жоиз. Кимки ўз қалбини маразлардан сақлашга эътиборсиз экан, унинг билган-билмаган дардлари янада кўпаяр. Зеро, солиҳ амалларнинг ажри ҳам қалбга боғлиқдир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *«Огоҳ бўлинг! Танангизда бир парча гўшт бор. Агар у соғ бўлса, бутун жасад соғдир. Агар у бузилса, бутун жасад бузилади. Огоҳ бўлинг, у — қалбдир!»* — деб бекорга хитоб қилмаганлар. Ибн Масъуд ҳазратлари деган эканларким: «Жисмингиз қанчалик соғлом бўлмасин, қалбингиз мараз экан, билингким, Аллоҳ наздида, сиз митти қўнғиздан ҳам ҳақирроқдирсиз».

Ҳазрат Абу Ҳомид Ғаззолий «Мукошафат ул-қулуб» (Қалблар кашфиёти) китобларида дейдиларким: *«Билки, Аллоҳ бир бандасига хайр ато этмоқчи бўлса, унга ўз нафсининг қусур ва айбларини кўра оладиган басират беради. Кимнингки басирати ўткир бўлса, қусур ва айблари ўзига албатта кўринажак. Киши ўз айбларини билганда эса, уларни даволаш имконига эга бўлади. Лекин, афсуским, инсонларнинг*

*кўпчилиги ўз қусур ва айбларини кўрмайди. Аҳвол шундайки, баъзан киши бир мўъмин қардошининг кўзидаги тариқдай кирни кўради-ю, аммо ўз кўзидаги ёнғоқдай доғни кўрмайди. Кимки ўз нафсининг айбларини кўрмоқчи бўлса, бениҳоя тўғри, басиратли киши билан дўст тутинмоғи жоиз. Токи бу дўст унинг аҳволини, ҳаракат ва атворларини кўз остида тутсин. Зоҳирий ёки ботиний хунук бир феълини кўрса, унга танбеҳ берсин».*

Улуғ алломанинг фикрларига қўшимча қилиб дейишимиз мумкинки, «басиратли дўст» атамасини китобларга нисбатан ҳам қўлласак бўлади. Бу ўринда китобларнинг энг улуғи, Аллоҳнинг биз — бандаларига берган улуғ неъмати — Қуръони каримни, ҳадиси қудсийни ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саҳиҳ ҳадислари жамланган китобни ҳамда буларга асосланиб ёзилган доноларнинг битикларини назарда тутяпмиз. Буларни ҳамиша ўқиб юрувчи, тушуниб, тўғри англовчи ва ўқиганларига амал қилғувчи киши ҳеч қачон адашмайди.

Қадим-қадимдан комиллик мартабасига етганлар шундай йўлни тутганлар, яъни: Қуръон ва ҳадисларга амал қилганлар ва иймонли дўстларининг насиҳатига қулоқ солганлар. Ҳазрати Умар, Аллоҳ ундан рози бўлсин, «Менга айбларимни кўрсатувчи кимсага Аллоҳ хайр берсин!» деб дуо қилар эканлар. У муҳтарам зот кўпинча Солмон Форсийга, Аллоҳ ундан рози бўлсин, мурожаат қилар эканлар. Бир куни «Менинг айб ва қусурларимни айтинг», деганларида Солмон Форсий аввал у ҳазратдан узр сўраб кейин: «Эшитишимча, дастурхонга икки хил зиравор қўйдирармишсиз. Яна бири кундузи, иккинчиси кечаси киядиган махсус икки шимингиз бор эмиш?» — дебдилар. Ҳазрат Умар бу дашномни эшитиб: «Булардан бошқа яна айбим борми?» — деб сўрабдилар. Солмон Форсий «Йўқ», — деб жавоб қилганларида у шарафли зот: «Шу иккиси ҳам менга етарли», — деган эканлар. Ҳазрати Умар Ҳузайфадан, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ҳам ўз қусур ва айбларини сўраб турар эканлар. Ҳатто бир куни у кишидан: «Сен мунофиқлар масаласида Аллоҳ Расулининг сирдоши эдинг. Менда мунофиқлик аломатларидан бирон белги кўрасанми?» — деб сўраган эканлар. Ҳазрати Умар ўз қадр-қимматларининг юксаклигига ва мартабаларининг баландлигига қарамай, ўз нафсларини ҳамиша шундай шубҳа остида тутар эканлар. Ғаззолий ҳазратлари таъкид этмишларким: «одам қанчалик ақлли ва даража жиҳатидан қанча юксак бўлса, кибр ва ҳаво жиҳатидан шу даража кичик бўлади. Нафсини энг катта шубҳа остида тутадиган инсон ҳам шудир».

*«Лекин, очиғини айтганда, бундай хислатларнинг баҳоси ошиб кетди. Жуда оз кишилар бундай феъл-атворларга эгадирлар. Дўсту улфат, ошна-оғайнилар орасида бир-бирига лаганбардорлик қилмайдиганлар, бирининг айб ва қусурларини наридан-бери ёймайдиганлар, ҳасад қилмайдиганлар жуда озайиб кетди. Дўст-улфат, ошна-оғайнилар ичида, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлик билан иш юртиб, айб ва қусур бўлмаган бир ҳаракатингни айб ва қусур деб гап тарқатувчилар ёхуд табиий лаганбардорлиги туфайли қусур ва айбларингни юзингга айтмайдиганлар бор. Мана шундай сабабларга кўра Довуд Тоий инсонлардан ажрашиб кетган эди. Ўзидан: «Нега инсонлар билан ош-қатиқ бўлмайсан?» деб сўралганида у шундай жавоб берганди:*

*— Менга айб ва қусурларимни айтмайдиган инсонлар билан яқин юриб нима қиламан? Диндор кишилар учун энг севимли нарса — бошқаларнинг танбеҳи билан ўз қусур ва айбларидан воқиф бўлмоқдир.*

*Мана, буюкларимизнинг ҳоли!.. Афсуски, бизнинг замонамизда иш терсига қараб кетди. Аҳвол шу даражага етдики, энди бизларга насиҳат қиладиган, айб ва қусурларимизни айтадиган кишиларни энг ёмон инсонлар ўрнида кўрадиган бўлиб қолдик. Бу — иймонимиз заифлашганининг аломатидир. Чунки ёмон феъл-атворлар — чақонғич илонлар ва чаёнлардир. Агар либосимиз этагига бир чаён ёпишиб, чақай деб турганда бизга биров бундан хабар берса, албатта унга миннатдорлик сўзларимизни айтамиз, севинамиз ва чаённи чертиб ташлаб, ўлдиришга чоғланамиз. Ҳолбуки, бу чаённинг зарари бадангадир, берадиган азоби эса бир кун, ярим кун давом этади. Ёмон ахлоқнинг қалб софлигига берадиган зарари эса қўрқинчлироқдир, ўлимдан кейин эса абадиян ва ё мингларча йил давом этадиган қўрққуликдир. Шуни биламизми? Билсак, нечун биров бизга қусур ва айбларимизни айтса, бундан севинмаймиз, бу қусур ва айбларни йўқотиш билан машғул бўлмаймиз. Аксинча, биз ҳам у кимсага насиҳат қилишга киришамиз ва шундай деймиз:*

*— Ўзинг ҳам шундай-шундай қиласан. Ўзингнинг ҳам шундай қусурларинг бор!*

*Унинг насиҳатини шу тариқа қабул этамиз ва тескарисини қилиб, орада душманчилик туғилишига сабабчи бўламиз. Бу ҳол — гуноҳлар кўплиги сабаб бўлган қалб қашшоқлигидандир. Буларнинг асли эса иймоннинг заифлигидандир...»*

Мазкур сатрларни ўқиб «Тўғри гаплар...» дегандирсиз? Ҳа, баракалла! Лекин нима учун қўштирноқ орасида баён қилдик, шунга аҳамият бердингизми? Гап шундаки, бу ақлли гапларни биз тўқимадик, балки Абу Ҳомид Ғаззолийнинг китобларидан кўчирдик. Қаранг, бундан салкам минг йил муқаддам айтилган фикрлар бугунги кунга мос келиб турса? Бу нима, асрлар давомида инсонлар яхшилик сари силжимадиларми? Иймон заифлиги то ҳануз сақланиб қоляптими? Йўқ, бундай хулосага бормаслик керак. Бадбинликка берилмоқ ҳам ўринсиздир. Ҳар замонанинг ўзига яраша фазилатлари ва ўзига хос қусурлари мавжуд. Бу фоний дунё — имтиҳон дунёси экан, ҳар бир авлод бу имтиҳондан ўзига хос тарзда ўтади. Ҳар бир авлоднинг афзалликлари ва гуноҳлари ҳам бўлади. Шайтон алайҳилаъна то қиёматга қадар одамзодга душманлик қилар экан, то қиёматга қадар унга қарши жиҳод — руҳий жиҳод давом этажакдир. Агар бир биродаримизни безори ураётганини кўрсак, унга ёрдам беришга шошиламиз. Аммо не учун шайтон васвасасига тушиб қолган қариндошимизни, қўшнимиз ёки дўстимизни қутқаришга шошилмаймиз?

Яқинда бир улфатда намозхонлар шайтон йўриғидаги биродарларини инсофга чақирганларига гувоҳ бўлиб эдим. Болаликдан бирга улғайган дўстларнинг кўплари иймон йўлида, айримлари ҳануз шайтон йўлидан қайтмаган эканлар. Иймонлилари бу дўстларига насиҳат қилишиб: «Ёшларинг олтмишга боряпти, шунча йилларни ароқхўрлик билан ўтказганларинг етар энди. Аллоҳ ҳузурида гуноҳкор эканликла-

ринг бир масала, яна бир масала — фарзанду набираларинг сенлар туфайли иснодга қоляптилар. «Ароқхўрнинг фарзанди» деган маломат тошини кўтариб юришга орланяптилар», — десалар, у адашганлар: «Биздан орлансаларинг улфатдан чиқдик!» — деб ўринларидан туриб кетишди. Ўзларича гўё мардлик қилишди. Ҳолбуки, бу мардлик эмас, нодонликнинг навбатдаги кўриниши эди. Агар улар десаларки: «Биродарлар, сизларга раҳмат, бизларга тўғри йўлни кўрсатдиларинг, сизларнинг ҳурматинглар учун шу ондан бошлаб ароқ ичишни ташладик...» — мана шуни чин мардлик атасак бўларди. Улфатчиликдаги нохуш ҳолатга гувоҳ бўлгач, устозлар баёнидаги бир ибратли воқеа хаёлимизга келди:

Ривоят қилишларича, Утбатулғулом исмли бир киши фисқу фужур аҳлидан эди. Бузғунчиликда ва шаробхўрликда унга етадигани йўқ эди. Ана шу фасодчи ва майхўр одам бир куни Ҳасан Басрий ҳазратларининг даврасига кириб қолибди. Ҳасан Басрий издиҳом аҳлига Ҳадид сурасини ўқиб, тафсир қилиб бераётган эдилар. *«Иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа (яъни Қуръонга) мойил бўлиш вақти келмадими?! Яна улар учун илгари китоб ато этилган, сўнг пайғамбарларидан кейинги муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар (яъни яҳудий ва насронийлар) каби бўлиб қолмаслик вақти келмадими? Улардан кўплари фосиқдирлар (яъни итоатсиздирлар)»*, — мазмунидаги оятни ўқиётган онларида у киши кириб келди. Оятни ўқиганларидан сўнг чиройли суҳбат қилдилар, шундай суҳбатки, бутун жамоатни йиғлатдилар. Шу орада ёшгина бир йигит ўрнидан турди ва Ҳасан Басрийга хитобан шундай деди:

— Эй мўъминларнинг энг гўзал ахлоқлиси! Аллоҳ мендай фисқ-фужур соҳиби — гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиладими?

— Ҳа, азаматим, агар бошқа бундай қилмаслик шарти билан ёмон феъл-атворларингни тарк этсанг ва Аллоҳдан афв тиласанг, сени ҳам кечиради.

Йигит бу сўзларни эшитганда ранги ўчиб, бир «оҳ» тортди-ю, ҳушидан кетди. Ўзига келганда Ҳасан Басрий унга яқинлашдилар-да, бу байтни ўқидилар:

*Эй Аллоҳга қарши йигит, осий санғи,*
*Гуноҳкорнинг жазоси не, биласанми?*
*Осийларнинг жойи — сақар. Ёнар ўзи,*
*Шиддатли ўт ичра пишар гўзал юзи.*
*Майли, ўтда ёнар десанг — Ҳақни унут...*
*Ё ўзингни гуноҳлардан узоқда тут...*

Бу байтни эшитиб, Утбатулғулом ҳам бир «оҳ» кўтариб, ҳушидан кетди. Ҳушига келганида Ҳасан Басрийга юзланиб:

— Эй, устод, — деди. — Марҳамати кенг бўлган Аллоҳ мендай гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиладими? — деб сўради.

— Ўз-ўзига жафо қила олган банданинг тавбасини карамли Аллоҳдан бошқа ким ҳам қабул эта оларди? — деб жавоб бердилар Ҳасан Басрий.

Шундан кейин Утбатулғулом бошини кўтариб, Аллоҳга уч хил дуо ўқиб, ёлборди:

— Аллоҳим, тавбамни қабул қил, гуноҳларимни афв эт, менга тушунишни ва ўрганишни ҳамда ўрганганларимни муҳофаза эта олиш қобилиятини берки, ўзлаштирганларимни ва унинг илмий асосларини ақлимда тутай.

— Аллоҳим, менга шундай бир гўзал овоз берки, менинг Қуръон ўқишимни эшитган ҳар кимсанинг — қалби қайғуга чўмган бўлса ҳам — қалбида меҳр ортсин!

— Аллоҳим, менга ҳалол ризқ насиб эт ва ўзим кутмаган жойдан ризқлантир...

Аллоҳга дилдан қилинган бу дуоларнинг натижаси ўлароқ йигитнинг тушуниш қобилияти ва закоси ортди, ўрганган илмий асосларини ҳеч унутмайдиган бўлди. Унинг Қуръон ўқишини эшитган ҳар киши тавба қилар, ёмон феълларидан воз кечар эди. Ҳар куни уйига бир коса шўрва билан икки лочира келарди. Булар қаердан ва ким томонидан юборилганини ҳеч кимса билмас эди. Бу ҳол то унинг ўлимига қадар давом этди...

Ҳа, ёлғиз Аллоҳ учун ёмон феълларидан воз кечиб, илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилганларнинг ҳаёти шундайдир. Аллоҳ ёмон феълларни тарк этиб, яхши феъл-атвор билан нақшланган ва гўзал амаллар адо этганларнинг мукофотларини албатта беради.

Биз гувоҳ бўлганимиз улфатчиликдаги адашганларга бундай мукофот насиб этмади, афсус... Билишимизча, улар аразлаб кейинги йиғинга келмабдилар. Улар дебдиларки: «Бизнинг ичишимиз билан уларнинг нима ишлари бор, ичиб, уларни урмасак, сўкмасак...» Диллари бу қадар қотиб кетган экан, фосиқлик либосига бу қадар чирмашиб ўраниб олган эканлар... Аллоҳ инсоф берсин уларга.

Ҳеч биримизга сир эмаским, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар — бировимизнинг ота-онамиз, бировимизнинг оға-иниларимиз, яна бировимизнинг яқин ёки узоқроқ қариндошимиз, яна қўшнимиз, ҳамкасбимиз... ҳам бор. Эҳтимол улар ҳидоятдан адашганларини биларлар, эҳтимолки, билмаслар. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол улар иймонсизлик жаридан қутулмоқчилар-у, аммо тўғри йўлга чиқишга кучлари етмаётгандир. Уларга ёрдам қўлини узатиб, иймонсизликдан қутулишга кўмаклашиш бурчимиз эмасми?

Қуръони каримнинг «Наҳл» сурасида шундай мазмунли оят бор: *«(Эй, Муҳаммад!) Раббингизнинг йўли (дини)га ҳикмат ва чиройли насиҳат билан даъват қилинг! Улар билан энг гўзал услубда мунозара қилинг! Албатта, Раббингизнинг ўзи Унинг йўлидан чалғиган (адашган) кимсаларни яхши билгувчи ва У ҳидоят топганларни ҳам билгувчидир.»* Мазкур оятда Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у киши орқали даъватчи умматларига ислом даъвати асосларини ва услубларини баён қилиб бергандир.

«Фусиллат» сурасидаги ояти каримада: *«(Ушбу Қуръон) иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир»* дейилган экан, тўғри йўлни, руҳ хасталигига шифони ўзга ерлардан қидиришларда маъно йўқдир.

Ўтмиш жамиятида нима учун одамлар орасидан меҳр-оқибат, меҳр-мурувват, меҳр-ҳурмат кўтарилди? Нима учун зулм тўфони авжига чиқди? Нима учун кўплар бузуқлик ботқоғига ботди? Сабаб: чўкаётган одам хасга тирмашиб умид қилганидай, заиф мафкурадан нажот кутдилар. Ота-оналарнинг тарбия усуллари, насиҳатлари ҳидоят ва шифо булоғидан маҳрум бўлгани учун ҳам ширин мева бермади.

Ҳазрати Сўфи Оллоҳёр «Саботул ожизийн» деб номланган дурдона асарларида шундай дейдилар:

*Худо қилса нидо: «э бандайи зор,*
*На келтурдинг, на турлук қилмишинг бор?»*

Мазкур байтни донишманд олимлардан Тожуддин шундай шарҳлайди: Қиёматда Худойи таоло бандаларига айтади: «Эй бандаларим, менинг ҳузуримга нима амаллар билан келдингиз ва нима ишлар қилдингиз?»

*Тану терингда тотлиғ жон яраттим,*
*Баҳойим қилмадим, инсон яраттим.*

...ва яна айтади: «Эй бандаларим, танларингизга азиз жон бердим, тўрт оёқли ҳайвон эмас, комил ақл эгаси инсон қилиб яратдим».

*Ҳамиша айладим тарбиятингни*
*Нағу қилдинг паришон ниятингни?*

«Сени отанг пуштида, онанг қорнида тарбиялаб, дунёга келтирдим. Дунёга келганингдан сўнг ҳам турли-турли неъматлар билан тарбия қилдим. Хўш, нега энди ниятингни бузиб, мендан бошқани дўст тутдинг?»

Коммунистик жамият умрини яшаб бўлгач, назаримизда нопоклик барҳам топгандай бўлди. Аммо бу масалада хулоса чиқаришга шошилманг, азизлар. Жамият йўқ бўлгани билан шайтон тирик. Шайтонга сажда қилувчилар эса кам эмас ҳали. Яқинда халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланган москвалик Гинзбург деган физик олим телевидение орқали гапириб: «Худо йўқ, қиёмат, фаришталар, у дунё деган тушунчалар қуруқ сафсата», деб очиқ айтди. Бу шунчаки бир одамнинг фикри эмас, унинг атрофида неча юзлаб ёки минглаб ёки ундан-да кўп маслакдошлар борлигини унутмаслик керак. Агар у ёлғиз бўлганида бу қадар шаккокликка журъат қилолмаган бўлар эди. Биз айни ўринда художўйлик ёки шаккоклик хусусида баҳс юритмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз ахлоқ асосларига назар ташлаш экан, савол бермоқчимиз: «Худога ишонмайдиган одам бошқаларга яхшиликни раво кўриши мумкинми? Уни ахлоқ бобида комил инсон дея оламизми?» Дейлик, ўша «олим» (аслида уни «олим» дейишга тил бормайди, қўштирноқ орасига олганимиз боисини англарсиз) мукофотини олиш учун Норвегияга борадиган пайтда онаси (хотини ёки фарзанди) ўлим тўшагида ётибди. Хўш, у сафардан воз кечадими? Онасининг ёнида ўтириб рози-ризолик тилайдими? Бизнингча, бундай қилмайди. Худони танимаган онани танийдими, айтинг-чи? Бу ҳам ўтмиш жамият тарбиясининг меваси. Шукрларким, кейинги ўн-ўн беш йил орасида